



## Мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни мустақамланмоқда

Тошкентда «Кўппартияли тизимни мустақамлаш ва партиялараро рақобат — парламентаризмни ривожлантиришнинг муҳим шarti» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, ЕХҲТ лойиҳалари координаторининг Ўзбекистондаги офиси ва К.Аденауэр номидаги жамғарма (ГФР), «Миллий демократия институти» (АҚШ) нодавлат ташкилотининг ваколатхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда мамлакатимиз парламенти қуйи палатаси депутатлари, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарни ўтказишдан мақсад ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилашда сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштириш жараёнида уларнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда тажриба алмашишдан иборат бўлди.

Тадбирда мамлакатимизда ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштириш, парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга доир амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, Вазирилар Маҳкамаси масъули-

ятини кучайтириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назорати самарадорлигини ошириш кўппартияли тизимнинг ривожланиш даражасига боғлиқ экани таъкидланди.

Маълумки, замонавий демократик дунёда асосан сиёсий партиялар аҳоли турли қатламларининг ижтимоий манфаатларини ифода этади. Шу боис Ўзбекистонда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг асосий мақсади кўппартияли тизимдек замонавий демократия институтини ривожлантириш ҳамда мустақам-

лашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари аҳоли турли қатламларининг манфаатларини ифода этадиган партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларини ташкил этиш, эркин ривожлантириш учун мустақам ҳуқуқий асос яратди.

## Янги қонун

учинчи секторнинг тараққий этишига хизмат қилади

➤ Давра суҳбати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси айна пайтда жамоатчилик орасида кенг муҳокама қилинмоқда. Ушбу жараёнда фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этаётир.

2 ➤

## Мақсад —

жиноятчиликнинг олдини олиш

➤ Фракция йиғилиши

Қонунлар лойиҳаларини такомиллаштиришда сиёсий партиялар фракцияларининг ролини ошириш мақсадида янги, янада самарали механизмларнинг жорий этилиши фракцияларнинг қонун лойиҳаларини нафақат олдиндан кўриб чиқиши, балки дастлабки босқичдаёқ ўзининг аниқ позициясини белгилаб олишида катта имконият яратди.

3 ➤

## Нуфузимиз

партия фаолларининг сиёсий етуклигига ҳам боғлиқ

➤ Сиёсий ўқишлар таҳлили

Ҳар қандай сиёсий партиянинг мақсад ва вазифалари қанчалик халқчил бўлса, ана шу халқчиллик аҳоли ўртасида кенг тарғиб этилса, фуқаролар ўша сиёсий куч ортидан эргашадилар. Ҳўш, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши томонидан ана шу муҳим масалага қай даражада эътибор қаратилмоқда? Маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, бошланғич ташкилот етакчилари ишига сиёсий ўқувлар қандай кўмак бермоқда?

4 ➤

## Малакали кадрлар —

сифатли тиббий хизмат гарови

➤ Дастур доирасида

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДП Чилонзор туман кенгаши ҳамкорлигида I-Республика тиббиёт коллежида «Соғлиқни сақлаш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш масаласи» мавзусида тадбир ташкил этилди.

5 ➤

## Қуйи бўгин имкониятлари

партиявий ишларни кучайтиришга йўналтирилмоқда

➤ БПТ — партия таянчи

Ўзбекистон «Адолат» СДП Муборак тумани кенгаши раиси Равшан Ҳамроевнинг «Нефтьгазқурилиштаъмир» очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли 3-сон вакилликка ташрифидан жамоа раҳбари ўрол Санаев асло таажжубга тушмади. Ҳудудий партия ташкилоти раҳбари бу ерга бежиз келмаганлигини сезган қурувчилар етакчиси унинг кўнглига аста қўл солди:

5 ➤

## Глобал битимлардан глобал иқтисодиёт сари



➤ Муносабат

Ҳар мамлакатнинг ўзига хос ва мос бўлган иқтисодий тараққиёт йўли бор, албатта. Истиқлол йиллари юртимизда жорий этилган «Ўзбек модели» аҳамияти, кўлами ва самарасига кўра дунё ҳамжамияти эътиборини тортгани бор гап. Юзага келган жозибдор сармоявий муҳит ва макроиқтисодий барқарорлик давлатимиз билан ҳамкорлик қилиш истагида бўлган йirik молиявий муассасалар, корпорациялар сони ошишига олиб келди.

2 ➤



## Партия

электорат ишончини оқлаяптими?

➤ Пленум

Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Электорат вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, БПТлар раислари ҳамда оммавий ахборот воситала-

ри ходимлари иштирок этган тадбирда кенгашнинг ҳисобот йилидаги фаолияти яқунлари ва 2014 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишларига оид ишлар атрофида муҳокама этилди.

3 ➤

# Мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни мустақамланмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

Семинар қатнашчилари партиялар Ўзбекистонда яратилган қонунчилик базасига таянган ҳолда, жамиятдаги туб ўзгаришларнинг ҳал қилувчи ва самарали кучига айлиниб бораётганини таъкидлади. Ўтган давр мобайнида партиялар муайян амалий тажриба тўплади ва сиёсий нуфузга эга бўлди.

— Ўзбекистон қисқа вақт ичида кўппартияли тизимни ривожлантириш йўлида муайян ютуқларга эришди, — деди Тюрингия федерал ери собик бош вазири, К.Аденауэр номидаги жағғарма маркаши бошқаруви аъзоси Дитер Альтхаус (ГФР). — Мамлакатимизда бир қанча сиёсий партияларнинг фаолият кўрсатаётгани эътиборга лойиқлиги. Уларнинг ҳар бири фаол ривожланиб, ўз аъзолари ва тарафдорлари сифини кенгайтиришда, ҳокимият вакиллик органлари ишларида иштирок этмоқда. Бу кўппартияли тизимни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳар томонлама пухта ўйлангани, сиёсий партиялар фаолиятини таъминлаётган сиёсий-ҳуқуқий чораларнинг нечоғли тўғрилиги, уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатаётгани, сайловчилар ва аҳоли томонидан эътибор этилаётганининг ёрқин исботидир.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга доир ишлар ҳорижий иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур концепция Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг кенг қўлланма дастури келажакдаги мақсадлар билан боғлиқ шунчаки декларация

эмас, балки муайян чора-тадбирлар тизимидир. Шу нуктаи назардан, семинар қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва ўзичимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»-ги қонун давлат бошқаруви соҳасидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Семинарда демократлаштириш изчил ва мунтазам ривожланидиган жараён бўлиб, халқ ҳокимиятининг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш, парламент демократияси институтларида сиёсий партиялар вакиллик учун ҳуқуқий майдонни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди. Шунингдек, янги конституциявий нормалар Ўзбекистоннинг қонун устуворлиги, амалий кучга эга ҳокимият ва кучли фуқаролик жамияти каби аънавий устуворларга таянувчи ривожланган демократик мамлакатлар сафига қўшилишдек асосий стратегик мақсадга босқичма-босқич эришишида муҳим қадам экани қайд этилди.

— Ўзбекистонда парламент тизими жадал ривожланмоқда, — деди Жорж Вашингтон университетининг Эллиот номидаги халқаро муносабатлар мактаби профессори Шон Робертс (АҚШ). — Бу мамлакатнинг изчил ва мунтазам ривожланиши шакллантиришга нақадар жиддий муносабатда бўлаётганини яна бир бор таъкидлади. Жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тараққиётга эришиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга ёрдам беради, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустақамлайди.

Хорижий иштирокчиларнинг фикрича, Ўзбекистонда мустақил тараққиётнинг қисқа даврида парламентаризмнинг бой

тажрибаси тўпланган. Бу эса, ўз навбатида, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат механизмнинг самарали ишлашини таъминлашга кўмаклашмоқда. Бу борада амалга оширилган ислохотлар бошқа қўллаб-қувватлаш учун намуна бўлиши мумкин.

— Парламентаризмни ривожлантиришдаги ислохотлар миллий ижтимоий-сиёсий тараққиёт хусусиятлари ва халқаро ҳуқуқ стандартлари инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон халқининг тажрибаси, бой тарихий ва маданий мероси, қадриятлари ва аънавалари асосида амалга оширилмоқда, — деди Европа халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўйича директори Пьер-Эммануэль Томанн (Бельгия). — Мамлакатимизда бундай комплекс ёндашув самарасида тақомиллаштирилган ҳокимият вакиллик органлари тизимини ривожлантириш шундай тизимлардан нафақат қолишмайди, балки қатор кўрсаткичлар бўйича улардан устун ҳамдир.

Фаол мулоқот руҳида ўтган муҳокама ақунларига кўра, халқаро семинар қатнашчилари Ўзбекистондаги демократик ислохотлар ижобий самара бераётгани ҳақида яқдид фикр билдирди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши ҳаётимизнинг барча жабхаларини демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлиши таъкидланди.

Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎЗА МУҲБИРИ



Ўлугбек УСМОНОВ олган суратлар

# Янги қонун учинчи секторнинг тараққий этишига хизмат қилади

Давоми. Боши 1-бетда

Пойтахтимизда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этган «Ижтимоий шериклик: фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида муҳим қадам» мавзусидаги давра суҳбати ҳам ушбу муҳим ҳуқуқий ҳужжатни тақомиллаштиришга бағишланди. Унда партиянинг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлари, Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати ходимлари, қонун лойиҳасига масъул бўлган қўмита аъзолари, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок эттиди.

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда давлат ва жамият тузилмаларини эркинлаштириш, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини доимий эътиборда. Кейинги йилларда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлантириш мамлакатимиздаги асосий вазифалардан бирига айланди.

Ойша АХУНОВА, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси: — Ҳозирги кунда республикамизда 7500 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг сони охириги уч йил ичида 45 фоизга ошди. Айни вақтда ННТлар фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим, экология ва бошқа масалалар билан шуғулланимоқда. Ўтган йилларда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кафолатлари тўғрисида»-ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»-ги қонунлар, Президентнинг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори, Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қўшма қарори соҳанинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий шериклик соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 30 та қону

ни ва юздан ортқ бошқа норма-ҳуқуқий ҳужжатлари билан мустақамланган. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилиниши эса фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада оширишда, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини янада кучайтиришда, ўтказилаётган ислохотларнинг ошқоралиги ва самардорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур қонунни қабул қилиш «Ижтимоий шериклик: фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида муҳим қадам» мавзусидаги давра суҳбати ҳам ушбу муҳим ҳуқуқий ҳужжатни тақомиллаштиришга бағишланди. Унда партиянинг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлари, Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати ходимлари, қонун лойиҳасига масъул бўлган қўмита аъзолари, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок эттиди.

Ушбу қонун лойиҳаси йиллар давомида тўпланган миллий қонунчилигимиз тажрибасидан келиб чиқиб тайёрланди. Бугунги кунга қадар қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилган жамоатчилик муҳокамаларида уни тақомиллаштириш юзасидан қўллаб-қувватлаш олинди.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасида ижтимоий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ўз аксини топанлигини таъкидлаб, ижтимоий шериклини тартибга солиш, молиявий асослари очиб берилиши лозимлигини алоҳида қайд этдилар. Шу билан бирга, лойиҳада асосий эътибор ижтимоий шериклик тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига қаратилиши, ННТларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик соҳасидаги иштироки янада аниқлаштирилиши зарурлиги таъкидланди. Бир сўз билан айтганда, қонун ННТларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлиги шакл ва усуллари янада ижтимоий шериклининг таъсирчан механизмларини мустақамлаши шартлиги алоҳида қайд этилди.

Қамола ҲАМИДОВА, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Ушбу қонун мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурларни амалга оширишда, ҳудудий масалаларни ҳал қилишда, гуманитар муаммоларни ечишда, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатларидаги оқилона нисбатни аниқ белгилаш ҳамда ушбу муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тақомиллаштиришни назарда тутди. Бу эса Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий ғоя ва мақсадларига мос келади. Шундан келиб чиқиб, фракцияимиз аъзолари ҳудудларда

ўтказилаётган жамоатчилик муҳокамалари давомида фуқаролар томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар асосида қонун лойиҳасида унинг мақсад ва вазифаларини янада аниқлаштириш, асосий тушунчаларни очиб бериш, энг муҳими унинг барчага бирдек тушунарли бўлишига, қабул қилингандан сўнг амалиётда қўлланилишини ҳам енгиллаштиришга хизмат қилувчи зарур тақдир тавсияларини ишлаб чиқмоқда.

Фракцияимиз аъзоларининг фикрича, «Ижтимоий шериклик» турли тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда аҳоли қатламларининг манфаатлари ҳисобга олинишига хизмат қилади, муҳим дастурларни амалга оширишда давлат ва жамиятнинг ҳаракатларини бирлаштиришга кўмаклашади.

Давра суҳбати иштирокчиларининг таъкидлашича, мазкур қонун фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорликнинг турли хил шакллари ривожлантириш муносабатларини тартибга солишга ҳам муносиб хизмат қилади. Қолаверса, иқтисодий ўзгаришларнинг ижтимоий йўналтирилган сиёсатини ҳамда ижтимоий меҳнат ва улар билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг самарали механизмининг таъминлаш, жамоавий музокаралар, тарафларнинг икки томонлама маслаҳатлашувларини ўтказиш, белгиланган тартибда қонунчиликни тақомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва мазкур қонунга мос равишда келишувлар, жамоа шартномалари ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, жамоавий меҳнат низолари олдини олиш ва низоларни ҳал этишга кўмаклашиш каби вазифаларни белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Абдужалил ТўРАЕВ, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди раҳбари:

— Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида учинчи секторни молиялаштиришда давлатнинг функциясини амалга ошириш мақсадида 2008 йилда парламент ҳузурида жамоат фонди ташкил этилиб, ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси тuzилган эди. Ўтган йилларда ушбу комиссия орқали учинчи секторни қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар 2,7 бараварга ошди, шунингдек, давлат грантлари бериш учун ўтказилган танловлар сони ҳам 2008-2010 йилларга таққослаганда 2012-2013 йилларда 175 фоизга, уларнинг мавзу ва йўналишлари 125 фоизга ошди. Бундан ташқари, лойиҳаларга ажратилаётган маблағлар микдори 50 фоизга кўпайди. Бунинг натижасида ННТларнинг аҳолининг маълум ижтимоий

қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятдаги ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган ташаббус ва фаолликларни йилдан-йилга ошириб бормоқда.

Тақдир этилаётган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»-ги қонун лойиҳасига мувофиқ эндиликда туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимиятлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазиранл Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Вазиранл Маҳкамаси ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича комиссияларни ташкил қилиш, қораларнинг ижтимоий-сиёсий ва ишбилармонлик борасидаги фаоллигини оширишга, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятини устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга кўмаклашади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ННТлар ҳам ўз фаолиятига боғлиқ тарзда турли соҳалар, ҳудудларда юзага келаётган муаммо ва камчиликларни яқиндан ўрганиб, уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилса ва бартараф этиш бўйича амалий тақдирларни киритса, албатта, бу ўз самарасини беради. Зеро, мазкур қонун ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, турли ижтимоий масалалар ечимини нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ҳал этишга замин яратишни кўзда тутиши билан қимматлидир.

Тадбирда сўзга чиққан фракция аъзолари Зухра Ботирова ва Қодир Жўраев қонун лойиҳасида ижтимоий шериклининг асосий йўналишлари қаторида партиянинг дастуридан ўрин олган фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш, иш бевурачиларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш, баркамол ва соғлом авлодни вояга етказиш, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш масалалари ҳам назарда тутилганини эътироф этган ҳолда қонун лойиҳаси юзасидан ўз тақдирларини билдирдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Касба уюшмалари федерацияси кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутахассислари, олим ва болалиқни ҳимоя қилиш масалалари ҳам назарда тутилганини эътироф этган ҳолда қонун лойиҳаси юзасидан ўз тақдирларини билдирдилар.

Давра суҳбати давомида иштирокчилар томонидан билдирилган амалий тақдир-мулоҳазалар асосида қонун лойиҳасини тақомиллаштириш юзасида иш тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илбос САҲАТОВ, «Адолат» муҳбири

# Глобал битимлардан глобал иқтисодиёт сари

Давоми. Боши 1-бетда

Яқин-яқингача одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган сахро жуда қисқа муддат ичида ўзгариб, обод бўлиб, яшнаб кетди. Ҳудудда бунёд этилган Қўнғирот сода заводи ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Мана, бунёдкорлик жараёни давом этмоқда ва Сурғил қони негизда Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши жадал олиб борилаётган.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ҳамкорлигининг юксак намунаси бўлган ушбу лойиҳанинг қиймати 3,9 миллиард долларни ташкил этади. Корхона ишга тушганидан сўнг йилга 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 миң тонна полиэтилен, 83 миң тонна полипропилен, 102 миң тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини пайдо бўлади.

Қаранг, мана шундай улкан, Марказий Осиёдаги энг йирик аср қурилишида меҳнат қилаётган олти миңг тўрт юзга яқин ходимларнинг яримдан кўпрогини ўзимизнинг мутахассислари, асосан ёшлар ташкил этади. Мен бу ерда тер тўкиб меҳнат қилаётган ёшларни замонамиз қаҳрамонлари, деб атагим келади. Ахир Устюрт кенгликларининг асрий сукунатни бузиб, қудратли техникаларни, замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган ҳолда икки йилдан буён тер тўкаётган ёшларимиз ҳазилакам ишларни амалга оширишмаяпти-да.

Юртбошимизнинг ушбу йирик санаот корхонасига ташрифи чоғида мажмуада амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг маҳобатини, ишга тушажак корхонанинг иқтисодий салоҳиятини яна бир бор дилдан ҳис этдим.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон таниб бўлмас даражада ўзгариб, чирой очиб,

Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий ифодаси бўлган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 4 миллиард АҚШ долларига тенг. Марказий Осиёдаги энг йирик мазкур мажмуа қурилишида айни пайтда 6 миңг тўрт юзга яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 3 миңг 500 дан зиёди юртимиз мутахассислари, шижоатли ёшлардир.

Ишлаб чиқариш, санаот, деҳқончилик ривожланган замонавий, инновацион технологиялар ҳудудига айлиниб бормоқда.

Биргина мисол. Ҳаммамизнинг хабаримиз бор, албатта, жорий йилнинг 13 мартда нуфузли халқаро нашр — «Infrastructure Journal» мазкур газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» нуфузли халқаро мукофоти билан тақдирлади.

Ҳа, глобал битимлар глобал натижаларга, глобал иқтисодиётга замин яратади. Иқтисодиёт модернизациялашга таянган ва диверсификациялашга таянган, замонавий бизнес инфратузилмаси ривожланиётган юртимизда бундай юксак натижаларга эришиш учун барча шарт-шароитлар, ин-

сон капитали мавжуд. Бунёд этилаётган Устюрт мўъжизаси ҳам мана шундай қатъий ишонч учун асос мавжудлигини яққол кўрсатиб турибди. Юртимизда иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий ифодаси бўлган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 4 миллиард АҚШ долларига тенг. Марказий Осиёдаги энг йирик мазкур мажмуа қурилишида айни пайтда 6 миңг тўрт юзга яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 3 миңг 500 дан зиёди юртимиз мутахассислари, шижоатли ёшлардир.

Ерназар КУННАЗАРОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси

# Парламент назорати институти

### конституциявий даражада мустақкамлаб қўйилгани мамлакатимизда парламентаризмнинг ривожланиши йўлидаги навбатдаги муҳим демократик қадам ҳисобланади

#### ➤ Қонун кучга кирди

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Изчиллик билан олиб борилган ислохотлар натижасида халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этадиган, унинг манфаатларига хизмат қиладиган давлат ҳокимияти демократик принциплар асосида шакллантирилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидалари мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ифодалаган ҳолда тизимли равишда ривожлантирилиб борилаётгани эътиборга молик. Мамлакатимиз Конституциясига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг маъно-маънунини таҳлил қилсак, юрти-мизда янгилашни жараёнларининг изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётганини яққол англашимиз мумкин. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) ги қонун мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни ва давлат бошқарувини изчил демократлаштириш борасида чукр ўйланган ҳолда амалга оширилаётган сиёсатнинг ажралмас қисми ва манқиявий давом ҳисобланади.

Асосий Қонунимиз моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ваколатларнинг мақбул қайта тақсимланишини, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашини таъминлашнинг конституциявий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган. Мазкур янгиликлар, шубҳасиз, фуқароларни давлат ва жамият ишларини бошқаришга янада кенгроқ жалб этишга, қонун устуворлигини таъминлашга, ижро этувчи ҳокимият органларининг қонунлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ижро этиш фаолияти устидан жамоат ҳамда парламент назоратини таъминлаш бўйича яхлит тизим яратилишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, давлат ҳокимиятининг бўлиниши, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар

мувозанати тизимининг таъминланишида қонунчилик, вакиллик ҳокимияти органларининг ҳуқуқат фаолияти устидан парламент назоратининг амалга оширилиши муҳим ўрин тутди. Шу маънода, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига" ги қонун билан Асосий Қонуннинг 78-моддасида Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари қаторида парламент назорати институтининг илк мартаба конституциявий даражада мустақкамлаб қўйилгани мамлакатимизда парламентаризмнинг ривожланиши йўлида муҳим демократик қадам ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда ушбу янгиликлар парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар, Олий Мажлис палаталари ва унинг аъзоларининг назорат-таҳлил фаолияти натижасида қабул қилинган қарорлар ижроси кафолатларини янада мустақкамлаш, парламент назоратининг амал қилиш доирасини кенгайтириш, миллий парламентаризм тизимига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган вакиллик ҳокимияти органлари томонидан амалга ошириладиган назоратнинг янги шакллари жорий этиш имконини беради. Олий Мажлис палаталари томонидан Бош вазир номзодининг қўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этишини назарда тутадиган янги қоидалар билан тўлдирилди.

Конституцияга киритилган мазкур норма — сиёсий партиялар фаоллигини, партиялараро рақобатни кучайтириш, қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари фаолиятини янада демократлаштиришнинг муҳим рағбатлантирувчи омилга айланади.

Эндиликда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар нафақат парламентда энг кўп ўрин эгаллаш ёки Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқи учун, балки ўз сиёсий платформаси ҳамда дастурларида акс этган асосий ғояларини ҳаётга татбиқ этиш учун ҳам кураш олиб боради, бу эса, пировардида мамлакатни модернизация қилиш ва демократик янгилаш жараёнида сиёсий партиялар ролининг янада ошишига ёрдам беради. Бу эса ҳар бир сиёсий партиядан, шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайловчиларга жамиятда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш бўйича аниқ ва ҳаётий ҳаракат дастурини тақдим этишга, депутатлар қорғусидаги ўз вакиллари орқали ҳокимият тузилмаларини шакллантиришда фаол иштирок этишга тайёр туришни талаб этади. Зеро, дастури, позицияси кўпчилик сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланган сиёсий партиёга парламентда етарли ўринлар олишга ҳамда мамлакат иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллашга умид қилиши мумкин.

Конституциянинг 103-моддасига вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши ҳақидаги тузатишлар киритилди. Бу ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан депутатлик назорати бўйича имкониятларимизни сезиларли даражада оширади. Ҳоким ҳисоботлар тақдим этаётганда партия гуруҳларимиз маҳаллий ижро ҳокимиятининг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги энг муҳим вазифаларини амалга оширишдаги фаолиятига нисбатан ўз позицияларини аниқ белгилаш имкониятига эга бўлади. Шу нуқтага назардан қараганда, бу қонун партиямиз ва унинг депутатлик тузилмалари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Қонун билан берилган ҳуқуқлардан қай даражада фойдаланиш эса ҳар бир партия ташкили, депутатлик гуруҳининг нечоғли фаол бўли-

шига боғлиқдир. Конституциянинг 117-моддасига киритилган тузатишлар алоҳида аҳамиятга эгаллигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу тузатишлар парламент томонидан тузиладиган мустақил конституциявий орган сифатидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мақоми фаолиятини ташкил этиш асосларини мустақкамлаб қўйди. «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг аъзолари илк мартаба Ўзбекистонда Марказий сайлов комиссияси демократик тузилишининг мустақил тизими, шунингдек, унинг фаолияти асосий принциплари конституциявий йўл билан мустақкамланаётганлигини тўла қўллаб-қувватлайдилар. Бу фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланишга доир конституциявий ҳуқуқларини, шунингдек, овоз бериш ҳуқуқи, тенглик ва хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини янада тўлиқ рўйга чиқариш йўлидаги муҳим қадамдир.

Бир сўз билан айтганда, Конституцияга киритилган тузатишлар парламентнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва ролинини янада кучайтиришга қўлғам, унинг ижро ҳокимиятлари устидан парламент назоратини кучайтиришдаги масъулиятини ҳам оширишга хизмат қилади. Президентимизнинг қонунчилик ташаббуси асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган конституциявий янгиликлар моҳиятини, аҳамиятини, давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг мазмунини, парламент назорати институтининг конституциявий даражада мустақкамланишини кенг жамоатчиликка етказиш биз депутатлар ва партия фаолларидан ҳам алоҳида масъулият талаб этади. Шубҳасиз, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Асосий Қонунимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, авваламбор, мамлакатимизда сиёсий барқарорлик ва тинчликни янада мустақкамлашга, фуқароларнинг демократик ислохотларни амалга оширишдаги сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини кучайтиришга, шунингдек, юрtdашларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ҳимоя қилишга, халқ ва жамият фаровонлигини таъминлашга мустақкам асос бўлади.

**Собир ТУРСУНОВ,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
фракцияси раҳбари



## Мақсад — жиноятчиликнинг олдини олиш

«АДОЛАТ» СДП

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси хусусида ҳам шундай фикрни билдириш мумкин.

Фракция аъзолари қайд этишганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ва жиноий жазо тизимини ислоҳ қилиш, жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш, қонунчиликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар замонавий ва барқарор жиноят қонунчилигини яратишга имкон берди.

Жиноий ҳазонинг мақсади айбдорларни жазолашдан иборат эмас, — деди фракция аъзоси Абдурафиқ Аҳадов. — Балки уларни тузатиш, тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтариш иборатдир. Жазо жиноий фаолиятни давом эттириш, маҳкумлар ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Шундай экан, соҳага оид қонунчиликни ҳам адолат, инсонпарварлик тамойиллари асосида янада ривожлантириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини бири ҳисобланади. Шунингдек, қонунчиликнинг маҳаллий Кенгаш доимий комиссияларидаги муҳокамалари ўз натижаларини бермоқда. Шунингдек, коллеж битирувчиларининг меҳнат бозорига ўз ўрниларини топишлари ҳам партия кенгаши ва депутатларнинг фаолиятида алоҳида аҳамият касб этамоқда.

Бироқ партия кенгаши аввало, ўз электоратининг хоҳиш-истакларини, манфаатларини ифода этиши ва ҳимоя қилиши сиёсий фаолиятга қўйилаётган бирламчи талаб эканлигини назарда тутадиган бўлсак, бу борада ҳали жиддий таъбир қаратиш зарур



Қонун лойиҳасида тақлиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчалар қонунчиликда мавжуд айрим зиддиятларни бартараф қилиш имконини беради ҳамда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишларини, маҳкумларга нисбатан инсонпарварлик муносабатини ҳамда жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигининг ҳуқуқий нормаларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан сайланган депутатларнинг муҳим вазифаси эканлигини таъкидлаган ҳолда фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Хусусан, қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига тақлиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, шубҳасиз, жиноий жазоларни либераллаштиришга, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайти-

ришга ва ҳукм қилинган шахсларни жамиятдан қатъий ажратмаган ҳолда тузалишга ёрдам бериши билан "Адолат" СДПнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ислохотларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсад-вазифаларига тўла мос келиши эътибор этилди ва қонун лойиҳаси бир овоздан маъқулланди.

Йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида фракция қонун лойиҳаси юзасидан ўз позициясини белгилаб олди. Шунингдек, уни партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатлари нуқтаи назаридан янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг ишчи гуруҳи ташкил этилди. Фракция ушбу қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мақсадаги мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилди ва ўз хулосасини масъул кўмитага тақдим этди.

**Феруз ЖўРАЕВ,**  
"Адолат" мухбири

# Партия электорат ишончини оқлаяптими?

➤ Давоми. Бошқа хабарлар

Туман партия кенгаши раиси Зухра Қуддусованинг маърузасидан шу нарса маълум бўлдики, партия кенгаши ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда ислохотларни жадаллаштириш, иқтисодиётда янги-ча кўникмаларни пайдо қилиш, саноатда ва қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни кенг жорий этиш, таълим, маданият ва тиббиёт соҳаларида кадрлар масъулиятини ҳамда иш самардорлигини ошириш, бошқарув идоралари фаолиятида очиқликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу жараёнда маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда меҳнат жамоалари қошидаги бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорлик тобора сезиларли натижалар берапти, деб айтиш мумкин.

Шу ўринда битта мисолни таъкидлаш жоиз. Партиянинг туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги бошланғич ташкилот кун тартибидидаги долзарб ижтимоий муаммони ҳал этишда нимага қодир эканлигини

ўз амалий иши билан исботлай олди. Яъни, БПТнинг асосли мурожаати бўйича туман марказий поликлиникасининг янги биносини қуриш масаласи аввал ижро ҳокимиятида, сўнгра тегишли вазирликларда муҳокама этилиб, ижобий хулосага келинди. Қисқа вақтда смета қўймати етти ярим миллиард сўмлик янги даволаш маркази қуриб битказилди.

— Бу ўринда бизнинг мурожаатимизни маҳаллий Кенгашдаги ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларимиз астойдил қўллаб-қувватлашди, — дейди тиббиёт бирлашмаси қошидаги БПТ раиси Замира Маъмурова. — Қурилиш учун маблаг ҳам, керакли тиббий ускуна-жиҳозлар ҳам ундириб олинди. Демак, мақсад, вазифа аниқ бўлса, ваколатдан унумли фойдаланилса, энг муҳими, сиёсий ҳамкорлик ва ҳамжихатликка амал қилинса, кўпгина муаммоларга ечим топиш мумкин.

Туман партия кенгашининг эътиборга лойиқ фаолияти ҳам шундаки, фаоллар сиёсий ҳозиржавоб, фаол БПТлар со-



ни кўпайтиришга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Ҳозир шундай ташкилотлар сони 35 тага етган. Улар атрофида 800 нафардан ортқ партия аъзолари бирлашган. Богдорчиликда интенсив технология афзалликларини алақачон кенг намойиш этиб, 600 гектар майдонда томчилатиб сугоришга мўлжалланган мевазор барпо этган "Оҳалик олтин боғлари" фермер хўжалиги,

"Гулобод мебель", "СамРосход" сингари модернизациялаштирилган саноат корхона-тага етган. Улар қошидаги бошланғич партия ташкилотлари амалий ҳаракатлари ва тақлифлари билан сиёсий ташкилотнинг меҳнат жамоаси ўртасидаги нуфузини мустақкамлаб, обрў-эътибор қозониб бермоқдалар.

Туман партия кенгаши ҳокимиятининг вакиллик органида-

ги депутатлари билан ҳамкорликда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид дастурий вазифаларнинг ижросини таъминлаш, бу борада ижро ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилишда ҳам зиммадаги ваколатлардан самарали фойдаланиб келмоқдалар. Ўтган даврда коммунал хизмат кўрсатиш, йўлсозлик, транспорт соҳаларидаги аҳволни яхшилашга йўналтирилган ўндан ортқ депутатлик сўровлари ёки масаланинг маҳаллий Кенгаш доимий комиссияларидаги муҳокамалари ўз натижаларини бермоқда. Шунингдек, коллеж битирувчиларининг меҳнат бозорига ўз ўрниларини топишлари ҳам партия кенгаши ва депутатларнинг фаолиятида алоҳида аҳамият касб этамоқда.

Бироқ партия кенгаши аввало, ўз электоратининг хоҳиш-истакларини, манфаатларини ифода этиши ва ҳимоя қилиши сиёсий фаолиятга қўйилаётган бирламчи талаб эканлигини назарда тутадиган бўлсак, бу борада ҳали жиддий таъбир қаратиш зарур



бўлган вазибалар кўпчилигини сезиш қийин эмас. Хусусан, электорат мурожаатининг ўргани бўйича мониторинг назоратини уюштиришда изчиллик етишмаяпти. Маҳаллий Кенгашларга бўлажак сайловлар арафасида электорат фикрини чукр ўрганиш, тақлифлар ва ҳаракатларни умумлаштириш мақсадида бошланғич партия ташкилотларини бево-сита сайлов округлари ҳудудига тузиш масалаларида ҳам сусткашлик кўзга ташланмоқда.

Пленумда билдирилган шундай танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, фаолиятни такомиллаштириш ҳақида "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси М.Бобоёров ўз тавсияларини баён этди.

Музокараларда партиянинг "СамРосход" кўша корхонаси қошидаги БПТ раиси И.Ҳайдаров, туман партия кенгаши аъзоси М.Жумаева, "Еш адолатчилар" қаноти аъзоси М.Қобилова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Партиявий фаолиятнинг стратегик йўналишларини аниқлаб олишга бағишланган мазкур пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Аҳадов ва партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим мудири М.Дадахўжаева иштирок этидилар.

**Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,**  
"Адолат" мухбири

# Нуфузимиз партия фаолларининг сиёсий етуклигига ҳам боғлиқ

Давлат, 2013-2014

Партиянинг кадрлар захира-сини шакллантириш Дастури-га мувофиқ ўтказилаётган ўқув курсларида асосий эътибор кадрлар захирасини иқтидор-ли ёшлар билан бойитиш, дав-лат ҳокимияти вакиллик орган-ларида ишлашга қодир, сиё-сий баҳс-мунозараларга про-фессинал жиҳатдан тайёр, ўз фаолиятида замонавий техно-логиялар ва иш услубларини қўллаш оладиган кадрларни танлашга қаратилган.

Зеро, мамлакатимизда сиё-сий партиялар ўртасида соғ-лом рақобатнинг тобора куч-айиб бораётгани фаоллари-мизни, айниқса, ёшларни кўппартиявийлик шароитида самарали иш олиб бориш, ҳокимият органлари ва бош-қарув фаолиятини шаклланти-ришда иштирок этишга тайёр-лашни тақозо этади.

Ўқув-семинарларида партия тузилмалари ишлари янада кучайтириш, ҳудудларни ижти-моий-иқтисодий ривожланти-ришда улар иштирокини кен-гайтириш масалалари доимий тарзда кўриб чиқилмоқда. Шу-нингдек, партиявий дастурлар яратиш ва уларнинг ижросини таъминлашда эса асосий эъти-бор «Мамлакатимизда демок-ратик ислохотларни янада чу-қурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаб бер-илган устувор йўналишларга қаратилмоқда. Ижтимоий ше-риклариимиз билан биргалик-да ўтказилаётган тадбирлар-да Президентимизнинг Ўзбе-кистон Республикаси Консти-туциясининг 21 йиллигига ба-ғишланган тантанали маро-симдаги маърузаси дастури-амал вазифасини ўтамоқда. Ана шу маъруза аниқ пайтда Ўзбекистон «Адолат» СДП зим-масидаги вазифалар ва улар-ни амалга оширишда ҳам му-ҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз.

Ўтказилаётган сиёсий ўқу-вларда депутатлик гуруҳлари билан ишлашни самарали ташкил этиш, уларнинг халқ депутатлари Кенгашларидаги фаолиятини кучайтириш, элек-торат ва партия тузилмалари билан алоқасини янада мус-таҳкамлаш, депутатлар томо-нидан ечимини кутаётган му-аммо ва камчиликларнинг мак-бул ечимларини топиш ва те-гишли маҳаллий бошқарув идоралари билан уларни хал

этиш бўйича йўналишларни белгилашга асосий эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда депу-татлар ва фаоллар кўмагида чекка ҳудудларда хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиё-сий фаолигини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тар-зини тарғиб этиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оилавий бизнесни ривожлан-тириш, коллеж битирувчилари-ни ишга жойлаштиришга ама-лий ёрдам кўрсатиш бугуннинг энг долзарб вазифаси экани-ни таъкидлаш жоиз. Бу элек-торатни «Соғлом бола йили» Давлат дастурини бажаришга кенг жалб қилиш борасида ту-шунтириш-тарғибот ишларини янада кучайтиришни тақозо этади. Сиёсий ўқувлар эса бу жараёнда партиянинг кадрлар захирасини шакллантиришга хизмат қилаётган.

Аммо айрим туманларда ўтаётган ўқув машғулотлари, семинар-тренинглар тахлили бу борада БПТ етакчилари ва депутатлар фаолиги талаб даражасида эмаслигини ҳам кўрсатапти. Бундан эса хар биримиз тегишли ҳулосалар чиқаришимиз лозим.

Жойлардаги партия ташки-лотларимизни янги ўқув қўл-ланмалари, сиёсий адабиётлар билан янада тўлиқроқ таъмин-лаш ҳам фаолиятимизнинг куч-айишига хизмат қилган бў-ларди. Тан олиш керак: кучли кадрлар, иқтидорли, салоҳият-ли ёшлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларни тарбиялаш, ўқитиш, амалий кўникмалари-ни доимо ошириб бориш ке-рак. Агар бор куч-ғайратимиз, сиёсий тажрибамизни ишга солиб, дастурий мақсадлари-мизни аҳоли, тарафдорлари-миз орасида кенгрок тарғиб қилмоқчи бўлсак, кучли тарғи-ботчилар тайёрлаш масаласи долзарб эканини англаб эта-миз. Бу эса кенгашлар раҳбар-лари ва жойлардаги депутат-ларнинг партия ишига бўлган масъулиятини янада ошириш-ни талаб этади.

Тизимли тартибда давом этаётган партиявий сиёсий ўқув тадбирларини юқори дара-жада самарали ташкил қилиш ва олиб бориш макс-ада партия раҳбариятининг ташаббуси билан барча ҳуду-дий ташкилотлар томонидан жойлардаги олий ўқув юр-тлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда профессор-ўқитувчиларни ўқувларга жал-б қилиб келинаётганлиги ушбу



жабҳадаги тадбирларнинг яна-да кўтаринки ҳақда самарали бўлишига хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чо-раги давомида «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий ап-паратини ҳамда ҳудудий партия ташкилотларида жами 59 та партиявий сиёсий ўқув тад-бирлари ўтказилиб, уларда 2500 нафардан зиёд партия фаолларининг иштироки таъ-минланди. Ушбу даврда ўтка-зилган сиёсий ўқувларда энг аввало, «Ўзбекистон Респу-бликаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси-да» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонуннинг мазмун-моҳияти, шунингдек, сиёсий партия тушунчаси, мо-ҳияти ва аҳамияти, сиёсий плюрализм, кўппартиявийлик ва социал-демократия маффу-раси, унинг келиб чиқиши ва асосий тамойиллари каби маъ-зулар чуқур ўрганилди.

Ўтган чорак давомида олиб борилган сиёсий ўқувларнинг тахлили «Адолат» СДПнинг барча ҳудудий партия ташки-лотларида ушбу йўналишдаги тадбирларнинг тизимли шак-ли йўлга қўйилганлиги ва ўтка-зилаётганлигини, иштирокчи-ларининг фаолиги, қизиқиши ва сафининг тобора кенгайиб бораётганлигини, баҳс-муно-зара ҳамда солов-жавоблар-нинг қизғин тус олаётганлиги-ни, партия аъзоларидаги та-шаббускорлик, сиёсий фаол-ликнинг ўсиб бораётганлиги-ни, сиёсий ўқувлар замонавий технологиялар, интерфас-ул усуллар асосида олиб бори-лаётганлигини, партиялар фа-

олиятига доир тахлили, тан-қидий статистик маълумотлар-ни ақс эттирувчи слайдлардан кенг фойдаланилаётганлигини кўрсатди. Бу эса тадбирлар-нинг самарадорлигини янада оширмоқда. Бу борада Хо-разм, Қашқадарё, Сирдарё ҳамда Тошкент вилоят партия кенгашларида алоҳида фаол-лик кузатилаётганлигини таъ-кидламоқчиман.

Шу билан бирга, сиёсий ўқувларда ёшларнинг фаол иштирок этишлари, улар то-монидан бундай сиёсий етук-ликка ундовчи тадбирларнинг кўпроқ ўтказиш бўйича так-лифларнинг билдирилаётган-лиги, айниқса, тадбир давоми-да иштирокчиларнинг юртимиз равнақи, Ватанимиз тараққиё-ти учун ҳар бир фуқаронинг масъул эканлигини англаб бораётганлиги янада қувонарли-дир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биринчи чорак да-вомида ўтказилган маъмур сиё-сий ўқувларнинг тахлили кел-гусида ушбу жабҳадаги тад-бирларнинг самарадорлигини янада ошириш бўйича баъзи таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга ҳам замин яратдики, улар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ҳу-сусан, тадбирларда партия аъзолари ва фаолларининг маълум қисми иштироки таъ-минланган бўлиб, албатта, партия аъзоларининг умумий сонига солиштирганда ишти-рокчилар кўламини кенгайти-риш зарурати юзга келмоқ-да. Шу билан бирга, чекка ҳудудларда жойлашган бош-ланғич партия ташкилотлари

раислари ва фаолларининг партиявий ўқувларга тўлиқ жалб қилинишига эришиш, бунинг учун зарур шарт-шаро-итлар яратиш лозим. Бундан ташқари, ўтказилган тадбир-ларни ОАВда тўлиқ ёритиш бўйича тегишли чоралар кў-риш зарурати ҳам мавжудли-ги кўзга ташланмоқда.

Шу ўринда ташкил этилган сиёсий ўқувлар тизими партия олдида турган асосий вазифа-лар ечимини топишга ва иш-нинг самарадорлигини оши-ришга қаратилганлигини ай-тиш жоиз.

Сиёсий ўқув принципа-ли жиҳатдан партия аъзоларининг янги қиёфасини шаклланти-ришга хизмат қилиши зарур. Кўриниб турибдики, бу шунча-ки масъулият эмас. У биздан изчиликни талаб этади. Бир сўз билан айтганда, бу мақ-садларга эриша оласак, Ўзбе-кистон «Адолат» СДПнинг обр-эътибори янада ошади, нафақат партия ишларини, балки Ўртбошимиз томони-дан белгилаб берилган стра-тегик вазифаларни ҳам ҳал этишда фаол иштирок эта оламиз.

Шу нукта назардан жорий йилнинг кейинги даврида ҳам партиявий сиёсий ўқувлар тизимли шаклда ва кенг қўла-мда, самарали олиб борили-шига алоҳида эътибор қара-тилади.

**Музаффар ХАЙИТОВ,** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Партиявий ўқувларни ташкил этиш сектори мудири

## 9 май — Хотира ва қадрлаш кuni

Озод ва обод Ватанда яшаш бахти одам-зодга узок умр, куч-қувват ва хотиржамлик бахш этар экан. Бугунги дорудомон кунлар-нинг қадрига етиб, яқинлари даврасида пиру бадавлат бўлиб яшаётган Темур бобо Давла-тов билан суҳбатлашганимизда, бу фикрнинг аниқ ҳақиқат эканлигига амин бўлдик.

## Бугуннинг қадр

Отахонни Навоий шаҳрида-ги «Гулистон» маҳалласида ҳурмат билан тилга олишди, ардоқлашди.

— 1942 йилда урушга кета-ётган вақтда, юрагимда «Шу юртга яна қайтиб келармикан-ман, она тупроғимни қайта кўрармиканман!» деган ҳадик бор эди.

Жанг майдонларида, Ленин-град қамалида иштирок этган-ман. Қаерда бўлмасин, бир ва-тандошимизни кўриб қолсам, гўё яқинларимни кўргандай қувонардим, дилимда юрт со-ғинчини ҳис қилардим.

Урушдан кейинги йиллар ҳам жуда оғир кечди. Очарчи-лик, оғир турмуш шароити, машаққатли меҳнат... Катта-кўрган канали қазилишда қат-нашдим. Яқинларимнинг дий-дорига тўйиб улгурмасидан, мени Олтой ўлкасига олиб ке-тишди. У ерда бугдой ташир-дик. Нихоят яқинларим олди-га қайтдим. Оиламни ҳалол ризқ билан боқишга ҳаракат қилдим.

Не-не замонларни кўрма-дик, не-не воқеаларга гувоҳ бўлмадик, дейсиз. Бугун улар-нинг барчаси тарих. Ҳозирги ёшларнинг эришган утуқларини, шижоатини, ғайратини кўрганимда, ҳавас қиламан. Юрагимда серҳосил боғлар яратиш, киндик қоним тўкил-ган гўшамни обод қилиш иш-тиёқи кучаяди. Мустақилликка эришганимиздан кейинги давр биз уруш фахрийлари учун кўп имкониятларни берди. Юсак-эҳтиром, иззату-ҳурмат, ёш-зорор бўлди. Барча уруш фахрийлари қатори мени ҳам «Жасорат» медали билан тақ-дирлашди. Бугун болаларим, невараларимув чеварларим бағрида, ардоғида яшайлман. Тинч, хотиржам кунларга етиб келганимга минг шукроналар айтаман.

Отахоннинг сўзларига қулоқ тутарканмиз, Ватанга бўлган муҳаббат энг олий туйғу, унинг



тинчлигини асраш, боғлар яра-тиш, иморатлар қуриш, яша-ётган масканини обод қилиш, юртнинг ривожига ўз ҳиссаси-ни қўшишга интилиш каби фа-тандошимизни кўриб қолсам, гўё яқинларимни кўргандай қувонардим, дилимда юрт со-ғинчини ҳис қилардим.

Бугун Навоий вилоятида 157 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 2646 нафар фронтоти фахрийси, 60 минг-дан зиёд меҳнат фахрийлари истиқомат қилади. Уларни эъзозлаш, ҳуқуқ ва манфаат-ларини ҳимоя қилишда Ўзбе-кистон «Адолат» социал-де-мократик партияси бир қатор жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу сайё-ҳаракатлар-нинг замирида «Ислохот исло-хот учун эмас, авваламбор ин-сон учун» деган тамойилни юқори ўринга қўйишдек улкан мақсад мужассам. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оши-рилаётган кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаб, аҳолининг барча қатламлари маънавиятига мос равишда ҳоимийлик ва хайр-саховат иш-ларида бош-қош бўлиш фао-лиятимизнинг асосий мезон-ларидан саналади.

Мустақиллик берган имко-ният туфайли юртимизда ҳар-йили 9 май «Хотира ва қадр-лаш кuni» сифатида эътироф этилиб, умумхалқ байрами тарзида нишонланишида ҳам улкан маъно мужассам. Зеро, ўтмишини эъзозлаган, унга ҳурмат кўрсатган, бугуннинг қадрига етган элнинг келажа-ғи ҳам мустаҳкам асосга эга бўлади.

Нигора РҶЗИЕВА

## Дастур тарғиботи бағишланди

### Матбуот анжумани

Яқинда Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда Журна-листлар олдида турган вазифаларга бағиш-ланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги аборот хизмати, Ўзбекистон Журна-листлари ижодий уюшмаси вило-ят бўлими, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда Фуқаролик жамияти шакллани-шини мониторинг қилиш мус-тақил институти ҳудудий бўли-ми ҳамкорлигида ташкил этил-ган тадбирда маҳаллий ва марказий оммавий ахборот воситалари вакиллари, шаҳар, туман ҳокимликлари ҳамда қатор тармок газета муҳаррир-лари иштирок этди.

Матбуот анжуманида мам-лакатимизда Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йил-ларининг илк кунларидан бош-лаб жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни воя-га етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар устувор йўналиш касб этаётгани таъкидланди. Бунинг узвий давоми сифати-да жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қили-ниши бу борадаги ишлар қўла-мини янада кенгайтирмоқда.

Вилоят ҳокимлиги томони-дан қабул қилинган дастур 7 бўлим ва 128 банддан иборат бўлиб, унда соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, муста-қил фикрлайдиган, интеллек-

туал авлодни тарбиялаш, соғ-лом болалар туғилиши ва таъ-лим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожини ошириш билан боғ-лиқ кенг қўламли вазифалар белгиланган.

Матбуот анжуманида «Соғ-лом бола йили» Давлат дасту-рида белгиланган аниқ мақ-сад ва вазифаларни кенг аҳолига етказиш борасидаги тарғибот ишларини янада куч-айтириш, оммавий ахборот воситалари олдида турган ва-зифаларни ижод ижро этиш юзасидан атофлича фикр-му-лоҳазалар билдирилди.

Ўз ўрнида Давлат дастура-рини ёритишда «Наманган са-доси» газетаси таҳриратининг таҳрибаси ўртоқлашилди. Тадбир якунида Давлат дасту-ри йўналишлари доирасида «Энг яхши телеролик», «Энг яхши радиоролик», «Энг таъси-рли мақола» ва «Энг самарали тарғибот усули» талловларини ўтказиш эълон қилинди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига мута-хассислардан жавоб олдилар.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати

## Вақт ва молиявий харажатлар

### Электрон ҳукумат

Мамлакатимизда давлат органлари веб-сайтла-ри ва ҳукумат портали орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатишни янада кенгайтириш бор-асида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақ-садда иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига ахборот-коммуникация технологияла-рини жорий қилишни рағбатлантирадиган мустаҳ-кам қонунчилик базаси яратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва комму-никация технологиялари мас-алалари кўмитаси ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технология-лари давлат кўмитаси ҳамкор-лигида ташкил этилган «Элек-трон ҳукумат» тизимини рив-ожлантириш жараёнини ҳуқу-қий тартибга солиш масала-лари» маъзусида давра суҳба-тида ҳам шу ҳақда сўз борди.

Тадбир иштирокчилари таъ-кидлаганларидек, 2013-2020 йилларда миллий ахборот-коммуникация тизимини рив-ожлантириш комплекс дасту-рини ҳаётга татбиқ этиш са-марасида бугунги кунда аҳоли-га 600 дан зиёд интерактив давлат хизматлари тақдим этилмоқда. Давлат ахборот ресурслари сони 195, рўйхат-га олинган ахборот тизимла-ри сони 154 тага етди. Булар-нинг барчаси нафақат юридик ва жисмоний шахслар, балки ташкилотларга ҳам қўшимча

қулайликлар яратмоқда. Шах-сий автоматлаштирилган ахбо-рот тизими ва маълумотлар ба-заси инсталланган ахборот-дан тезкор фойдаланиш, бар-ча ҳисоботларни электрон шаклда юришти имконини бер-моқда. Жумладан, жорий йил-нинг биринчи чорагида ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 20 турдаги янги хизмат амалиётга татбиқ қилиниб, www.ty.gov.uz ор-қали кўрсатилаётган хизматлар сони 187 тага етди.

Президентимизнинг 2013 йил 27 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожланти-риш чора-тадбирлари тўғриси-даги қарори «Электрон ҳуку-мат»ни жорий этишда муҳим дастурий ҳужжат бўлаётган. Мазкур қарорда давлат ва ҳўжалик органларининг ички меъёрий-ҳуқуқий базасини та-вақомиллаштириш зарурлиги қайд этилган.

Мамлакатимизда ишбилар-монлик учун қулай шароит яратиш, кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорликни хар то-монлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ли-цензия ва ружсат бериш тар-тиб-таомилларини электрон шаклда тақдим этиш, коммунал хизматлар, шунингдек, солиқ солиш ва боғжона расмийлаш-тириш бўйича хизматлари ин-терфаол шаклда кўрсатиш ма-саласига катта эътибор қара-тилаётгани натижасида фуқаро-ларнинг вақти ва молиявий ха-ражатлари қисқармоқда.

Шунингдек, давра суҳбати иштирокчилари бугунги кунда ишчи гуруҳи томонидан ишла-б чиқилган давлат органлари-нинг замонавий ахборот техно-логиялари ёрдамида юридик ва жисмоний шахсларга инте-рактив давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш вақ-ти ва жараёнларини, шу жум-ладан, иқтисодий сарф-хара-жатларни қисқартириш, давлат органлари фаолиятининг очик-лиги ва ошқоралигини таъмин-лашга хизмат қилиши кутила-ётган 5 боб, 30 модддан ибор-ат «Электрон ҳукумат» тўғри-сидаги қонун лойиҳасини му-ҳокама этишди.

## қисқармоқда

Шунингдек, давлат ҳоки-мияти ва бошқаруви орган-лари фаолиятига ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишга тааллуқ-ли ҳуқуқий асос ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомил-лаштириш борасида фикр ал-машди.

— Ахборот технологиялари-нинг ижтимоий ҳаётимизга ки-риб келиши туфайли иш юри-тиш маданиятининг электрон кўриниши шаклланимоқда, ма-софа қисқармоқда, вақт тежал-моқда, ишимизда иқтисодий самара ошмоқда, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Раъно Гаимова. — Мамлакатимизда замонавий ахборот техноло-гиялари асосида янги турдаги банк хизматларини кўрсатиш, электрон тижорат, электрон тўловлар тизими ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртаси-да ўзаро ҳисоб-китоблар са-марадорлигини ошириш учун кенг шарт-шароитлар ярати-б берилмоқда. Унинг ёрдамида ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўлов операцияла-ри тезкор бажарилади, бюрут-мачилар ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги ҳам-корлик сифати амалга оши-рилади. Қолаверса, тадбир-

корларимиз замонавий ахбо-рот технологиялари хизматла-рига эга бўлишиб, сайёрамиз-нинг инсталган давлатлардан ўзларига ҳамкорлар топиши, маҳсулот ва хизматларини жа-хон бозорига олиб чиқишлари учун янги уфқлар очилади. За-монавий ахборот-коммуникация технологияларининг имконият-лари мақсад ва вазифаларига тўла мос келади ва парламентда-ги партияимиз фракцияси «Электрон ҳукумат» тўғриси-даги қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлайди ҳамда уни тайёрлашда фаол иштирок этади. Чунки партияимиз дасту-рида замонавий телекомму-никация ва ахборот техноло-гияларини жамиятнинг барча соҳаларига фаол жорий этиш, интернет тармоғи орқали тур-ли интерактив хизматларни кўрсатишни ривожлантириш кўзда тутилган.

Саодат СОДИҚОВА, «Adolat» мухбири



# Рекламада гап кўп, аммо у қонуний бўлиши лозим


**Таҳлил**  
Бугунги ўта тезкор, воқеа-ҳодисаларга бой, турли-туман маълумотларга тўла глобаллашув даврида дунёда рўй бераётган янгиликларни ўқиб улгуриш мушкул вазифага айланиб бораётди. Чунончи, ер шарининг бу чеккасидаги ахборот манбалари, янгиликлар, ҳабарлар тез суръатлар билан у чеккасида ҳам намоён бўлмоқда.

Инсон ахборотларнинг 90 фоиздан зиёдини кўриш-эшитиш орқали олишнинг ҳисобга олсак, ўз-ўзидан аён бўладики, телевизор қаршисида ўтирмади, радио тинглаганда, газета-журнал арақлаганда, интернет тармоғига боғланганда — ҳар қайси ҳолатда ҳам янгиликлардан бохабар бўлиш баробарида, истадимини-йўқини махсулот (хизмат)лар реклама-сига дуч келаверимиз. Кўча-кўйда юрган ҳам, албатта, кўзимиз реклама эълонларига тушади. Айниқса, катта шаҳардаги марказий кўчалар кесилган чорраҳалар атрофида ўрнатилган ҳайбатли реклама мониторларига қараб ўзимизни худди концерт заллида ёки кинотеатрда ўтиргандек сеза бошлаймиз. Рангли тасвирда акс этган турфа хил махсулотлар, тақлиф этилаётган хизматлар, албатта, диққат-эътиборни тортмасдан қолмайди.

Бу борада одам гавжум савдо марказларини-ку, айтмаса ҳам бўлади. Хуллас, қаёққа боқманг: реклама, реклама... Қайси махсулотни танлаш, хизмат турларининг қай биридан фойдаланиш эса сиз-у бизнинг ихтиёримизда. Аслини олганда, рекламанинг кўпчилиги ҳам ҳаётимиз тўқинлигининг бир белгиси.

Дарҳақиқат, рекламани кўриб-эшитилган сўнгинга аксарият истеъмолчиларда ушбу товарга қизиқиш уйғонади ва уни сотиб оладилар. Бу — бутун дунё халқларига хос ҳолат. Мисол учун, халқроқ экспертлар томонидан ўтказилган таҳлил ва сўровларга биноан, ҳар бир АҚШ фуқароси кунига 2 мингдан ортиқ реклама эълонларини қабул қилса, Франция аҳолисининг 83 фоизи товарларни реклама орқали кўриб-эшитилганидан кейингина харид қилади.

Юртимизда ҳам бозор муносабатларининг тараққий этиши баробарида рекламанинг ҳаётимиздаги ўрни тораб ортиб бормоқда. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарилаётган махсулотларни со-



қарамасдан, томошабинлар кўпроқ телевизор кўраётган пайтда махсулот(хизмат)ларини реклама қилишни истаиди. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, кечки дам олиш вақтларида ҳаддан кўп реклама берилиши, роликларнинг қайта-қайта такрорланиши, телесериаллар узилиб, реклама узок туриб қолиши инсон руҳиятига салбий таъсир этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонуни 17-моддасига биноан, телерадио ташкилотлар учун рекламага ажратилган кўрсатув (эшиттириш) вақти кўрсатувининг (эшиттиришнинг) ҳар бир соатида 10 фоиздан ортиб кетмаслиги керак. Бу талаб кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ихтисослаштирилган рекламаларига қараганда, эндиликда рекламанинг 60 фоизи телевидение, 20 фоизи босма нашрлар, 10 фоизи ташқи реклама, 9 фоизи радио ва 1 фоизи бошқа воситалар улушига тўғри келмоқда.

Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан 2013 йилда жами 303 марта таҳлил ўтказилиб, 202 ҳолатда турли қонунбузарликлар аниқланган ва 120 млн. сўмлик молиявий жарима ҳамда 13 нафар мансабдор шахсга нисбатан 4,8 млн. сўмлик маъмурий жазо чоралари қўлланган. Қонунбузарлик ҳолатларининг бартараф этиш бўйича 148 та ҳўжалик субъектига ёзма кўрсатмалар берилган. 8 та нотўғри реклама тарқатиш ҳолатлари бўйича 51,4 млн. сўм миқдорда жарима солинган.

Қонунийлик, аниқлик, ишончлик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек, маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида, рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талабларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бузиши натижасида рекламани фойдаланувчиларни чалғитиши мумкин

бўлган, шахсларга, шунингдек, давлатга зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланади.

Яширин реклама истеъмолчининг идрокига унинг ўзи англамаган ҳолда, шу жумладан, махсус видео иловалардан (кўш овозли ёзувдан) фойдаланиш йўли билан ҳамда бошқа усуллар орқали таъсир ўтказадиган рекламадир.

Яширин рекламадан радио, теле, видео, аудио ва кино махсулотда, шунингдек, бошқа махсулотда фойдаланишга ва уни ўзга усуллар билан тарқатишга йўл қўйилмайди.

Реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган махсулот рекламаси учун — энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда; реклама қонунчилиги бузилиши борасидаги кўрсатмаларни ўз вақтида бажармаганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя этмаганлик учун — энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда;

ваколатли давлат органига реклама ҳужжатлари ва материалларини белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки аввал-бошдан ҳаққоний бўлмаган маълумотларни тақдим этганлик учун — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солиниши белгиланган.

Реклама берувчи рекламани тайёрлаш учун тақдим этиладиган ахборот мазмунини қисмида реклама тўғрисида қонунчиликни бузганлик учун, агар мазкур ҳўққбузарлик рекламани тайёрловчи ёки реклама тарқатувчининг айби билан юз берганлиги исботланмаса, жавобгар бўлади. Тайёрловчи рекламани тайёрлаш қисмида, тарқатувчи рекламани тарқатиш вақти, жойи ва воситалари қисмида реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгар бўлади.

Муҳтасар айтганда, қонун талаблари ижросини таъминлаш реклама бозори иштирокчиларининг ҳўққуқий савиясини ошириш, реклама воситасида истеъмолчиларга махсулот (хизмат)ларни тўғри танлашда кўмаклашиш баробарида бозор тамойиллари ва соғлом рақобатни ривожлантиришга хизмат қилади.

Суяндик МАМИРОВ

## Фаолият

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифати, рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда ички бозорни сифатсиз махсулотлардан муҳофаза қилишда меъёрлаштириш тизимини халқроқ талаблар билан уйғунлаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

## Биз сифатни таъминлаймиз

Шу мақсадда сўнгги йилларда халқроқ қонунчилик ҳўжатлари, шунингдек, меъёр ва қоидалар, сертификатлаштириш ва аккредитация процедураларини янада такомиллаштириш борасида сертификатлаштириш ва стандартлаштириш соҳасида талаблар ва тушунчаларга ўзгариштиришлар киритилмоқда. Жумладан, 2013 йил 4 октябрда қабул қилинган "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳам "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги қонуннинг мантйқий давоми ҳисобланиб, мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги халқроқ талаблар билан сертификатлаштириш процедураларининг уйғунлигини таъминлашга хизмат қилиши шўбҳасиздир.

"Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонун нормаларини амалиётга таъбиқ этишда бугунги кунда бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, миллий аккредитация тизимини ривожлантириш, миллий сертификатлаш идоралари ва синов лабораториялари дунё миқёсида тан олинишини таъминлаш мақсадида 2014-2015 йилларга стратегия ва уни ижро этиш механизми бўйича чора-тадбир ишлаб чиқилди. Тадбиркорлик субъектлари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида эҳтиёт қисмлар (тўлдирувчи, хомашё материаллари) мажбурий сертификатлаштириладиган махсулотлар рўйхатидан чиқарилди. Экспортга етказиб бериш учун ишлаб чиқариладиган махсулотларни ихтиёрий равишда сертификатлаштириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг айрим турлари сертификатлаштирилиши маълум қилиш орқали ўтказиш, четдан олиб кирадиган технология уснуналари ва уларнинг қисмларига хорижий мамлакатларнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини тан олиш тартиблари амалиётга киритилди.

Бундан ташқари, экспортга мўлжалланган махсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга стандартлар, махсулотни сертификатлаш, ёрликлаш, ўраш ва бошқа параметрлар юзасидан халқроқ ва мамлакатларaro талаблар бўйича бепул маслаҳат хизматлари кўрсатувчи "Ўзстандарт" агентлигининг махсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси ташкил этилгани ҳам эътиборга лойик.

Юртимизда жорий йилнинг январь ойи ҳолатига 959 та экспорт қилувчи корхоналарда халқроқ стандартларга мувофиқ сифат экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси ташкил этилгани ҳам эътиборга лойик.

Юртимизда жорий йилнинг январь ойи ҳолатига 959 та экспорт қилувчи корхоналарда халқроқ стандартларга мувофиқ сифат экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси ташкил этилгани ҳам эътиборга лойик.

Ҳамдамжон ХОДЖАЕВ,  
Намангон ИСМ ДК  
сертификатлаштириш идораси раҳбари

# Энг зарур ва фойдали элемент

## Давлат дастури асосида

Жорий йилнинг 19 февралда Президентимиз ташаббуси билан «Соғлом бола йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарор қабул қилингани барчамизга маълум. Қарорда бир қатор муҳим вазифа, чора-тадбирлар билан бирга ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш учун мавжуд қонунчилик ва норматив-ҳўққуқий базани янада такомиллаштириш, бу борада қулай ташкилий-ҳўққуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилган янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш масаласини ҳал этиш устувор вазифалардан эканлиги қайд этилган. Чунончи, Дастурда жорий йилда «Ўзбекистон Республикасининг «Йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиши вазифаси ўз аксини топган.

### ЙОД НИМА УЧУН КЕРАК?

Турли номлардаги витамин ва бошқа фойдали моддалар қатори инсон саломатлиги учун сув ва ҳаводек зарур микроэлемент мавжуд, у ҳам бўлса йод моддасидир. Зеро, ушбу микроэлемент инсонда ақл ва организмнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда моддалар алмашинувида кўп томонлама фойдали таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, салбий ташқи омиллардан одам организмни ҳимоя қилиш вазифасини бажарувчи қалқонсимон без фаолияти ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Уртача оғирликдаги инсон (тана вазни 70 кг.) организмда 12-20 мг. йод мав-

жуд бўлиб, унга бўлган кунлик эҳтиёж тахминан 0,2 мг.ни ташкил этади. Одатда, йод табиий ҳолатда денгизбўйи минтақаларида кўп учрайди ва денгизга яқин жойларда истиқомат қилувчи аҳолида йод етишмаслиги деярли сезилмайди. Денгиздан узок бўлган мамлакатларда эса йодга бўлган талабни асосан озиқ-овқат махсулотлари билан қондириш мумкин.

### ЙОД ЕТИШМОВЧИЛИГИ КАСАЛЛИКЛАРИ НИМА?

Йод етишмаслиги касалликлари — организмда йоднинг етишмаслиги оқибатида қалқонсимон без касалликлари кўринишида намоён бўладиган касалликлардир.

Йод етишмаслиги касалликлари ҳамма учун маълум бўлган бўқоқдан тортиб, жисмоний ва ақлий ривожланишлардан оқибатда қолиш ва репродуктив селоматлигининг бузилишигача бўлган кенг қамровли касалликларни ўз ичига олади. Хомилдор аёлларда йод етишмаслиги хомиланинг тушишига, бола ўлик ҳамда ақлан заиф ва бошқа нуқсонлар билан туғилишига олиб келади. Йод етишмовчилигига учраган оналардан туғилган болаларда ақлий ва жисмоний ривожланишдан оқибатда қолиш ҳолатлари, қалқонсимон безнинг туғма етишмовчиликлари ва кретенизм касаллиги кузатилиши мумкин.

Йод етишмаслиги ва унинг аянчли асоратлари олдини олиш жазон ҳамжамиятини таъшишга солаётган долзарб муаммолардан бири. Жаҳон соғлиқни сақ-

лаш ташкилоти маълумотида кўра, йод етишмаслиги касалликлари дунёдаги кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган ва касалланиш даражаси ўта юқориликка эришган. Бугун ер юзидagi 760 миллион нафардан ортиқ киши йод етишмаслиги касалликлари билан оғриган ва шулардан 43 миллион нафари касаллигининг турли хил асоратларидан азият чеқмоқда.

Аниқлинишича, йод етишмас-

«Ўзстандарт» агентлиги мутахассисларининг маълумот беришича, давлат стандартларига мувофиқ 1 кг. тузда 40 ± 15 мг. калий йодат моддаси бўлиши талаб этилади. Бугунги кунда юртимизда туз ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 62 тани ташкил қилиб, мазкур корхоналар 2012-2013 йилларда Республика Ташқи иқтисодий корхонадан 4480 кг. калий йодат сотиб олишган.

лиги бола миёсига салбий таъсир кўрсатиб, тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келади. Хатто унинг мўътадил кўриниши ҳам интеллектуал қобилиятнинг ўртача 10 фоизгача пасайиши олиб келади. Йод етишмаслигига учраган оналардан туғилган болаларда ақлий ва жисмоний ривожланишдан оқибатда қолиш, бўйиннинг секин ўсиши, маълумотлар қабул қилиниши кўйинлашиши, хотира ва фикрлаш жараёнининг ёмонлашиши билан намоён бўлади. Бундай бола ва ўсмирларнинг умумий англаш фаолияти, дарсларни

ўзлаштиришга бўлган қарашлари ва интилишлари сусаяди.

### НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Мамлакатимизда йод етишмовчилиги касалликларининг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шуни айтишда таъкидлаш жоизки, 2007 йилда «Йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши йод етишмаслиги ва бу би-

лик касалликларнинг олдини олиш, бу борадаги муаммоларни хал қилишининг асосий омилга айланиши.

Ушбу қонун билан йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асослари ҳамда тегишли давлат бошқаруви органлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг ваколатлари белгиланган. Шунингдек, йод етишмаслиги касалликларни профилактикасида доир бир қатор муҳим чора-тадбирлар назарда тутилган (оммавий ва яқка тартибдаги профилак-

тика, аҳолини ахборот билан таъминлаш, молиялаштириш), шу билан бирга, туз ва озиқ-овқат йодланиши меъёри тартибга солинади. Сабаби йод етишмаслиги билан курашишнинг самарали, энг оддий ҳамда кўп маблағ талаб қилмайдиган усулларидан бири доимо истеъмол қилинадиган ош тузини йодлашдир.

Қонуннинг 16-моддасига биноан, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат махсулотлари давлат стандартлари қоидалари ва нормалари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

— Амалдаги қонуннинг 11-моддаси иккинчи қисмида «Йодланган туз истеъмол қилиш тиббий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан тўғри келмайдиган шахслар учун йодланмаган туз олиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда таъминланиши» белгилаб қўйилган, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармаси етакчи мутахассиси Рустам Азимов. — Яъни, истисно ҳоллар ҳам мавжуд. Бироқ ўрганишлар натижасида йодланган туз ҳеч қандай ноҳўя таъсир кўрсатмаслиги ўз исботини топди. Шу боис қонунчилик мамлакатимизда истеъмол қилинадиган барча — ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ва четдан келтирилаётган ош тузини йод моддаси билан мажбурий тўйинтирилиши акс эттирадиган меъёр киритилиши дав талаби ҳисобланади. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар

нинг киритилиши аҳоли, айниқса, унинг йод танқислиги касалликларига чалинишга мойил катламларини асраш, саломатлигини янада муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борадаги халқроқ тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, таъкидлаш жоиз, ривожланган ва ривожланиётган давлатларда ҳам йод етишмаслигининг оммавий профилактикаси дастурлари йод билан бойитилган ош тузи ишлаб чиқариш орқали таъбиқ этилган. МДҲга аъзо мамлакатларнинг 10 тасидан мажбурий ош тузини йодлаштириш бўйича норматив-ҳўққуқий ҳўжатлар ишлаб чиқилган бўлса, уларнинг айримлари (Туркменистон, Арманистон, Қозоғистон)да овқатланиш ёрдамида йод етишмаслигини батараф этиш қайд қилинган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилган ва янги таҳрирда қабул қилиниши режалаштирилган қонунларимиз ҳамда иқтисодий-иқтисодий соҳада олиб борилаётган бошқа тадбирлар соғлом болани тарбиялашда, уларни баркамол авлод этиб вояга етказишда, оналар ва болалар соғлиги янада мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнайди. Зеро, фарзандларни соғлом юрт қудратли бўлади.

С.СОДИҚОВА,  
"Adolat" муҳбири

# Македония: социал-демократлар иккинчи ўринда

## “Адолат” шарҳи

Ўтган ҳафта ниҳоясида Европанинг нисбатан камбағал мамлакатларидан бири Македониядаги сайловлар партиялараро қизгин кураш муҳитида ўтди. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 40 фоизи ишсиз ва хорижий сармоялар ҳажми бўйича ортада боратган, аҳолининг учдан бир қисми иқтисодий қийинчиликда яшаётган бу мамлакатдаги сайловни Европа Иттифоқи тузилмалари вакиллари диққат билан кузатишди. Зеро, Македония кейинги пайтларда ЕИ ва НАТОга киришга астойдил интилаётган мамлакатлардан биридир.

Сайловнинг эртасигаёқ Македония ҳукумати тепасидаги консерваторлар партияси президент ва парламент сайловларида эришилган галаба борасида бонг ура бошладилар. Бу ҳаяжонли жараёнга ҳатто сўл марказчиларнинг уларга шошилмай туриш мақбулиги юзасидан берган маслаҳатлари ҳам таъсир кўрсатолмади. “Мамлакат ишончли кўларда. Никола Груевски бош вазир, Георг Иванов эса президент бўлиб қолади”, дея баёнот берди консерватив партия вакили Влатко Ёрчев ўз ҳаммаслакарига.

Давлат сайлов комиссияси сайтида эълон қилинган маълумотларга кўра, Македонияда бўлиб ўтган сайловларда энг кўп овоз консерваторлар партиясига берилган, иккинчи ўринни эса социал-демократлар эгаллаган.

Бироқ социал-демократлар сайлов натижаларини тан олишмаганликлари билдирилган. Партия етакчиларидан бири Зоран Заевнинг сўзларига кўра, ҳокимият тепасида турган партия сайловчиларнинг бир қисмини сотиб олган, сайловолди тарғиботлари эса диндорларни ҳам жалб этишган. Умуман олганда, консерватив ҳукумат қайта сайланишни таъминлаш учун давлат ресурсларидан фойдаланган. Кузатувчилар ҳам айрим сайлов участкаларида қонун бузилиш ҳолатлари содир бўлганлигини таъкидлашган.

Ўз навбатида Ички Македония инқилоби ташкилоти — Македония миллий бирлиги демократик партияси етакчиси бўлган бош вазир Никола Груевски муҳолифатдаги партиянинг барча айбловларини рад этди ва сайловлар демократик асосда ўтганини, халқ иродасининг ифодасига айланганини яна бир бор таъкидлади.

Македония собиқ Югославия таркибидан чиққанидан бери бешинчи марта президентлик сайловини ўтказди. 3480 сайлов участкасида 1 779 550 фуқаро овоз бериш имкониятига эга бўлди.

Сайлов жараёни 10 минг маҳаллий ва 550 хорижий кузатувчилар назорати остида ўтди.

Мамлакат ички ишлар вазирини “Бу Македония тарихидаги энг тинч сайлов бўлиб қолганлигини” алоҳида таъкидлаб ўтган.

Амалдаги давлат раҳбари Георг Иванов ҳам президентлик сайловига 56 фоиз овоз билан ғолиб чиқди. Унинг рақиби, социал-демократ Стево Пендаровски эса қирқ фоиз сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлди.

Депутатлик мандати учун Македонияда 14 сиёсий партия ва коалициялар кураш

олиб борди. Олтита сайлов округида йигирма нафардан депутат мутаносиблик тизими асосида сайланади, яна уч депутатни эса хорижда истиқомат қиладиган Македония фуқаролари сайлашади.

Парламентдаги 123 ўриннинг 63 таси ҳукмрон Ички Македония инқилоби ташкилоти — Македония миллий бирлиги демократик партиясига насиб этиши кутилмоқда. Бу эса партияга парламент устидан назорат ўрнатиш имкониятини яратади. Шунга қарамасдан, ғолиблар албан сиёсатчиларининг қўллаб-қувватлашидек муҳим омилни ёддан чиқармасликлар лозим. Зеро, бундай муносабат икки миллионли аҳолининг чорак қисмини албанлар ташкил этадиган мамлакатда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Парламент сайловида албан партиялари учинчи ва тўртинчи ўринни эгаллашгани ҳам эътиборга олиш лозим: Интеграция учун демократик иттифоқ 13,7 фоиз овоз олди, Албанлар демократик партияси эса 5,9 фоиз. Қолган барча партиялар 3 фоиздан кам овозга эга бўлишди.

Консерватив йўналишдаги Ички Македония инқилоби ташкилоти — Македония миллий бирлиги демократик партияси 2006 йилдан буён ҳукумат тепасида. Аънаана кўра партия албан партиялари билан коалицияга киришади.

Сайловдан кейинги чиқишда мамлакат бош вазирини янги ҳукумат тузиш мавзусига тўхталиб ўтирмади. У эришилган катта ютуқ сабаблари сифатида мамлакатда кенг кўламли янги иш ўринлари яратилганлиги, хорижий инвесторлар жалб этилганлиги, кучли инфраструктура ташкил этилиб, солиқлар камайtirилганлиги, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига йирик миқдорда инвестициялар киритилганлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши самарали кураш олиб борилганлиги, Македониянинг Европа Иттифоқи ва НАТО томон изчил одим ташлаётганлиги сингари омилларни келтириб ўтди.

Президентнинг янги беш йиллик муддати эса инаугурация ўтказилган кундан бошланади. Г.Иванов 2009 йилнинг 12 майдан бери мамлакат президентлиги сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Македония Конституциясига кўра президент беш йилга сайланади, бироқ амалда бутун ҳокимият парламент ва ҳукумат тасарруфида. Президент армия бош қўмондони ҳисобланади, қайсидир даражада давлат ташки сийсатига ҳам таъсир кўрсата олади.

Маълумки, Европа интеграцияси сари интилаётган мамлакатнинг бош ташки муаммоларидан бири Греция билан



мамлакат номи юзасидан давом этиб келаётган баҳс-мунозаралардир. Тўғри, айрим тарихий-маданий масалалар борасида Болгария билан ҳам тушунмовчиликлар мавжуд, аммо сайловолди кампаниясида Г.Иванов мазкур муаммони Софийа билан ҳамкорликда, албатта, ҳал этишга ваъда берган.

Греция ва Македония ўртасида республика номи юзасидан баҳс эса йигирма йилдан бери давом этмоқда. Гап шундаки, Грециянинг шимолий минтақаларидан бири Македония, деб аталади. Шу сабабли ҳукумат 1991 йили Югославия таркибидан чиққан мамлакатнинг ҳам шундай номланишига қарши. Айнан Грециянинг қатъий талаби билан БМТда 1993 йилдан бери Македония расман “Собиқ Югославия республикаси Македония” деб юритилади.

Шу мунозара туфайли Греция Македониянинг НАТОга киришига йўл қўймади. Македония 2005 йилдан бери Европа Иттифоқига аъзоликка номзод бўлса-да, Грециянинг қаршилиги сабабли бу масала ҳаттоки муҳокама ҳам қилинмаяпти. Холбуки, дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Россия Македонияни шу ном билан расман тан олган.

Энди мамлакатдаги икки йирик партиянинг бири бўлган Македония социал-демократик иттифоқи ҳақида. Партия 1991 йилнинг 20 апрелида ташкил этилган. Партиянинг бугунги кундаги етакчиси Бранко Црвенковски.

Ижтимоий адолат, озодлик ва имкониятлар тенглиги, бирдамлик ва бошқа одамлар учун масъулият каби социал-демократларнинг аънавий қадриятлари бугунги Македония жамияти учун ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дунёнинг бошқа мамлакатларида бўлгани каби Европанинг бу мамлакатига ҳам социал-демократлар етакчилари ўз ҳукуматини янги иш ўринларини ташкил этишга, аҳолининг фаровонлигини оширишга, бозор муносабатлари шарафотида ҳар бир шахсга ўз имкониятини ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга қадирмоқдалар.

Таъкидлаш керакки, Македония социал-демократлари мустақилликка эришиш оstonасида ва ундан кейинги йилларда мамлакат тараққиётида ва бошқарувида фаол иштирок этдилар. Хусусан, 1994 йил кузида бўлиб ўтган парламент сайловларида «Македония учун иттифоқ» аксарият мандатларни қўлга киритди. Мазкур коалиция галабасида Македония социал-демократлар иттифоқининг ўрни

алоҳида бўлди. Коалицион ҳукуматни эса «Македония учун иттифоқ» ҳамда албан тарихий-маданий масалалар борасида Болгария билан ҳам тушунмовчиликлар мавжуд, аммо сайловолди кампаниясида Г.Иванов мазкур муаммони Софийа билан ҳамкорликда, албатта, ҳал этишга ваъда берган.

Шундай қилиб, 1990 йиллардан буён Македонияни тох социал-демократлар, гоҳ консерваторлар бошқариб келмоқда. Иккита етакчи албан партиялар ҳар сафар ўзаро ҳукумат коалициясини тузаётганини таъкидлаш жоиз.

Шунга қарамай, 2001 йил бошларида Македония собиқ Югославия мақомидаги ягона «барқарорлик ўчоғи», деган номни йўқотди. Мамлакат шимоли-ғарбида албанлар ва ҳукумат қўшинлари ўртасида тўқнашувлар бошланди. Косоводан Македонияга кирган албан айирмачиларининг бир қисми иштирокида Бирлашган халқ армияси ташкил этилди. Айирмачилар Македонияда албан мухториятини ва ҳатто Болкон ярим оролидаги барча албанлар истиқомат қиладиган ҳудудлар (Албания, Косово, Ғарбий Македония, Шимолий Греция)ни бирлаштириш ғоясини илгари суришди.

Террорчилик ва айирмачилик ҳаракатларини жиловлаш мақсадида Македония раҳбарияти 2001 йилнинг май ойида сиёсий бирлик ҳукуматини ташкил этиш сари қадам ташладики, ундан биринчи марта барча асосий партиялар, жумладан, консерваторлар, социал-демократлар, албан Демократик партияси ва Демократик фаровонлик партиялари ҳам жой олишди. Сиёсий бирлик ҳукумати тепасида аввалги бош вазир Л.Георгиевский қолди. Бироқ мазкур сиёсий маневр айирмачиларни қониқтирмади, ҳарбий ҳаракатлар давом этаверди. Мамлакат президенти Б.Трайковский халқро жамоатчиликнинг босими остида албанлар билан музокараларга киришди. 2001 йилнинг 13 августидан Охрид курорт шаҳрида Македониянинг асосий сиёсий партиялари етакчилари ва мамлакат президенти халқро воситачилар (АҚШ, НАТО, ЕИ,

ЕХТ) иштирокида инқирозни сиёсий йўллар билан ечиш ҳақида битим имзоладилар. Мазкур ҳужжатга кўра, Македония Конституциясидан македонларнинг имтиёзли миллат эканлиги хусусидаги сўзлар олиб ташланди. Келишувда албан тилига алоҳида эътибор қаратилди, у аҳолининг 20 фоиз ва ундан кўпроқ этник албанлар истиқомат қиладиган ҳудудларида расмий тил мақомини олди. Шунингдек, албан вакилларига суд ва давлат ҳокимияти органлари ҳамда полицияда кўпроқ ўрин ажратилди. Куролсиланиш жараёнларини назорат қилиш учун Македонияга НАТОнинг 3,5 минг аскари сафарбар этилди. 2003 йилнинг декабрида эса ҳарбий контингент ўрнига Европа Иттифоқининг фуқаровий полицияси миссияси ташкил этилди.

Барқарорлик ўрнатилгач, 2002 йил сентябрида ўтказилган парламент сайловида Македония социал-демократик иттифоқи бошчилигидаги «Македония учун биргаликда» муҳолифат коалицияси зафар қучди. Натигада СДИ етакчиси Б.Црвенковский яна ҳукумат тепасига келади. Социал-демократлар ўз позицияларини 2004 йил февраль ойида мамлакат президенти Б.Трайковскийнинг авиаҳалокатга учраб, фожиали ўлимидан кейин янада мустаҳкамладилар. Навбатдан ташқари президентлик сайловида бош вазир Б.Црвенковскийнинг қўли баланд келиб, мустақил Македониянинг учинчи президентига айланади. Ҳукумат раҳбарлиги унинг партиядоши Хари Костов келади. Афсуски, бу бошқарув узоққа чўзилмади. Ҳам иқтисодий таназзул, ҳам коалициядаги шерик интеграция учун Демократик иттифоқ билан келишмовчилик оқибатида 2004 йил ноябрида Костов маҳкамаси истеъфо беради. Бу социал-демократларнинг 2005 йилдаги маҳаллий сайловларда, 2006 йилдаги парламент сайловидаги маглубиятларига замин ҳозирлади. Ҳокимият 2006 йил июлидаги сайловдан кейин яна консерваторлар қўлига ўтди.

Хуллас, 23 йил муқаддам мустақилликни қўлга киритган Македония сиёсий партиялари кучли партиялар кучли давлатни шакллантиришга ҳизмат қилишини тушуниб етдилар. Мамлакат учун оғир паллаларда биргаликда ҳаракат қилиш мумкинлигини амалда исботладилар.

А.АБДУЛБОҚИЕВ

## Дунё компьютерларининг ярми хавф остида

Microsoft компанияси Internet Explorer браузерлари тажрибали хакерларга компьютер устидан тўлиқ назорат ўрнатиш имконини яратадиган айрим камчиликларга эга эканлигини эътироф этган.

Мутахассислар эса бундай хавфли браузерлар ер юзидаги компьютерларнинг камида элик фоизда ишлатилаётганлигини айтишмоқда. Маълумотларга кўра, хакер компьютер эгасига билдирмасдан тизимга кириши, дастурлар ўрнатиши ва ҳаттоки айрим файлларни йўқ қилиб юбориши ҳам мумкин экан. Айни кунларда Microsoft компанияси мутахассислари бундай камчиликни тузатиш борасида изланишлар олиб боришмоқда.




## Ёнилғи маҳсулотларидан ёқилғи олинади

Европалик тадқиқотчилар ёнилғи маҳсулотларидан ёқилғини қайта тиклашда фойдаланишди.

SOLARJET лойиҳаси

мутахассислари авиация керосинининг парчаланиши ва синтези босқичларини бир тизимга бириктира олдилар. Бунинг учун олимлар сув ва ис газига ёруғлик таъсири ўтказиб, уларни газга айлантирдилар, кейин эса Фишер-Тропш жараёни ёрдамида газдан керосин олинди. Янги технологиянинг энг қимматли жойи шундаки, бутун жараённинг узлуксизлигини таъминлаб турадиган юқори ҳароратли реактордан фойдаланилди.



Экспертлар реактор ёрдамида олган 750 литр синтетик газ авиация керосинига айлантирилди.

Тўғри, муаллифлар ҳозирча бу катта миқдор эмаслигини тан олишмоқда. Аммо янги маҳсулотга тегишли ташкилотлар томонидан транспорт воситаларига ёқилғи сифатида ишлатиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилганлиги мазкур инновацион технологиянинг келажаги порлоқ эканини кўрсатмоқда.

SOLARJET лойиҳаси устида 2011 йилнинг июнь ойидан иш бошланган. Унда қўлпа олтий-тадқиқот муассасалари билан бир қаторда саноат ишлаб чиқариш корхоналари ҳам иштирок этмоқда. Олимлар қисқа муддат ичида мазкур технологияни янада мукамаллаштириб, уни саноат миқёсида кенг ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишмоқда.

## Ёруғликнинг мўъжизакор хусусиятлари

Япония, Украина, АҚШ ва Жанубий Корея олимлари ҳамкорликда оддий ёруғликнинг қутилмаган хусусиятларини кашф этдилар.

Эванесцент тўлқинларнинг динамик характеристикасини ўрганишаркан, мутахассислар уларнинг оддий тўлқинлардан фарқланишига эътибор қаратдилар. Жумладан, бундай тўлқинлар интенсивлиги шартли сарҳаддан узоқлашган сайин экспоненциал сусайиб боради.



Натижада бундай тўлқинларни мисол учун ўта аниқ микроскопларда ишлатиш имконияти туғилди. Янги технология саноатчиларни, хусусан, ҳарбийларни ҳам қизиқтириб қолди. Зеро, эванесцент тўлқинлар радарларнинг масофадаги техника воситаларини аниқлаб олиш имкониятини пасайтиради. Шу билан бир қаторда мазкур янгилик авваллари текшириш имконияти бўлмаган айрим физик хоссаларини ўрганишда қўл келади.

## Муқобил электр станциялари ишга тушди

Кейинги пайтларда дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам муқобил энергия манбаларига эътибор кучайиб бормоқда.

Бу жараёнда, албатта, ҳамкорликда иш олиб бориш қутилган натижаларга олиб келади. Шу мақсадда Буюк Британия, Германия, Канада, Австралия ва АҚШ олимлари биргаликда океан тўлқинлари ва сув кўтарилиши муқобил энергия манбаи сифатида олинган кенг кўламли лойиҳани биргаликда амалга оширишга киришдилар.

Мазкур инновацион технологиянинг батафсил шарҳи Nature журналида чоп этилган.

Тез орада дунё океанларидан муқобил энергия олишга йўналтирилган махсус станциялар ишга тушади. Мисол учун, Ҳинд океанининг Австралияга яқин ғарбий ҳудудида тўлқинларнинг механик энергиясидан фойдаланиш учун 11 метрли улкан сарик пўкаклар сув юзасига ўрнатилади. Пўкаклар тўлқин таъсирида тебранганида тортилган узун симлар океан тубида жойлашган гидравлик насосларни ишга туширади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, биргина шу станциянинг ўзида 720 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин, бу қувват эса ўртача катталикдаги ҳарбий денгиз базасини бемалол ток билан таъминлай олади.

Интернет хабарлари асосида **Зилола Йўлдошева** тайёрлади.

## Болани планшетдан асранг!

Британия ўқитувчилар ва мураббийлар Ассоциацияси баёнотида кўра, кўп вақтини планшет ёнида ўтказадиган болалар оддий ўйинчоқларни ўйнай олишмайди, қорозга рўқчада ёзишга ҳам қийналишади.

Булари ҳали ҳаммаси эмас. Ярим кечага қадар планшетдан айрилмаган бола эртаси кунди дарсларда диққатини бир жойга йиғиб ололмайди. Бундан ташқари, экраннинг ёрқин нурларига

ўрганиб қолган болақай доимо унга эҳтиёж сезади, бу эса унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Ўтказилган тадқиқотлар ҳам мобил қурилмалар бандисига айланаб қолган болалар ҳаётда энг оддий кўникмаларга эга бўлмаётганлигини кўрсатди. Ота-оналар эса бундай болалар билан биргаликда ўйин ўйнагандан кўра уларга планшетни бериб қўя қолишни афзал кўришади.

Мутахассислар ота-оналардан боланинг очик ҳавода, ўртоқлари билан оддий ўйинларда иштирок этиши унинг соғлиғига ҳам, руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатишини унутмасликни илтимос қилишган.



# Истиқлол адабиёти солномаси

## Тўхфа

“Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади”. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан “Истиқлол ихомлари” рукнида чоп этилган “Озод Ватан саодати” беш жилдли тўпламни варақларканмиз, беихтиёр Юртбошимизнинг мазкур сўзлари ёдимизга тушади. Бу бежиз эмас, албатта. Нозик дид, талабчанлик ҳамда катта масъулият билан жамланган бешта китобда айнан Мустақиллик даврида шеърят, наср, драматургия, бадий публицистика, адабиётшунослик йўналишларида яратилган энг сара асарлар танлаб олинган. Шу сабабли “Озод Ватан саодати” тўплами адабиётимизда ҳам, ижтимоий ҳаётимизда ҳам муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, “Адолат” социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад АЛИ билан кечган суҳбатимиз ҳам мазкур тўплам хусусида бўлди.


— Мамлакатимизда олиб борилаётган буюк бунёдкорлик ишлари, туб ўзгаришлар ва ислохотлар, миллий кадрларимизнинг тикланиши, маънавиятимизнинг юксалиши, шубҳасиз, мустақиллик шарофатидандир. Шу билан бир қаторда ҳаётимизда бадий адабиётнинг ўрни, салмоғи ортиб бормоқда.

— Ҳақ гап. Адабиёт халқнинг руҳий оламини, ички дунёсини сўз воситасида очиб берадиган, кишиларни руҳлантиришга, уларни эзгу мақсадлари сари йўналтиришга қодир буюк санъат. У инсоннинг касбидан қатъий назар, барчага бирдай азиз неъматдир. Зеро, у — кўнгли дунёси. Кўнглилар рўшнолиги адабиётдандир. Мен шу ўринда улуғ Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса — миллат яшар” деган умуминсоний ҳикмати тасвирлаб ўтишни истардим.

Истиқлол йилларида юртимизда барча соҳаларда бўлган

каби миллий адабиётимизда ҳам оламшумул янгиланган рўй берди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун ёзувчи ва шоирларимизнинг яратган асарларини мутолаа қилиш кифоя. Уларда чинакам қалб ҳарорати, истиқлол берган имкониятлар, янги даврнинг озод нафаси сезилади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ муҳтарам Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавий қадриятлар ва миллий ўзликини англаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг шу йўлда адабиётимиз, умуман, маънавиятимиз ривожига катта аҳамият бериб келаётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. 1991 йил Ўзбекистонда “Алишер Навоий йили”, деб аталди. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида буюк шоир ва мутафаккирга мухташам ҳайкал қад ростлаши фарахбахш байрамга айланиб кет-



ди. Адабиётимизнинг забардаст вакиллари таваллуд айёмлари юксак мақомларда нишонлангани кўнгилларга гурур бағишлади.

2009 йилда Президентимизнинг бадий ижод ривожланишида кескин бурилиш ясаган “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” номли пурмаъно рисоласи эълон қилинди. Рисолада бадий адабиётнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти аниқ ва равшан кўрсатиб берилган. Бу асар бугунги кунда ижод аҳли, Ёзувчилар уюшмаси фаолиятида ёрқин дасту-

риламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 февралда эълон қилинган “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурда “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижод аҳли учун оламшумул аҳамиятга эга бўлди. Унда Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фонди олдида ёзувчиларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-қувватлаш, юксак савияли бадий асарлар ёзиш учун мақбул шароит ва имкониятлар яратиб бериш, кекса ижодкорларга ёрдам кўрсатиш, ёш

ижодкорларнинг илк китобларини давлат ҳисобидан нашр этиш каби ва бошқа кўп қатлиғ вазибалар қўйилди. Бугунги кунда Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникаси, “Дўрмон” ижод уйи тўла таъмирланган ҳолда ёзувчиларимиз хизматида.

— Мустақилликни мустақамлаш, Ватан ободлиги ва саодатига ўз ҳиссасини қўшиш ҳар бир оғли фуқаронинг муқаддас бурчидир. Бу бурчни бугун ўзбек адаблари ва шоирлари ҳам тирак асарлари билан танишган китобхонлар бугунги ўзбек адабиётининг манзарасини тўлиқ тасаввур қилиши мумкин.

— Истиқлол тўғрисида бугун ўзбек адаблари дунёга ўз сўзларини айта олади. Шеърятда, насрда, драматургия, публицистика ва адабиётшуносликда ҳам баланд руҳ, янги маъно билан сўзлашган асарларимиз борлигини, ижодкорлар учун эркинлик нақадар улкан аҳамият касб этаётганини кўриб туришимиз.

— Дарҳақиқат, йигирма уч йиллик адабий хирмонимизни сарҳисоб қиладиган бўлсак, ўзбек шеърятини, насри ва бошқа жанрлари ҳам улкан янгиликни палласига кирганлигига амин бўлмоқдамиз. Зеро, буюк аждодларимизнинг жаҳон адабиёти хазинасига қўшган бебаҳо ҳиссалари, бугунги фаровон кунлар шўҳри янги замон ижодкорларига ўзига хос куч ва илҳом бериши шубҳасиз.

Ўзбек адабиёти қадим-қадимдан бери Шарқнинг ҳар жиҳатдан бой бадий мероси замининда ривож топган. XX аср тонготиридан эътиборан эса у ўзининг тадрижий йўлида ана шу миллий адабий мерос билан бир қаторда жаҳон бадий тафаккурининг сара намуналарини жадал ўзлаштириди ва мазкур синтез негизиде янги бир даврга қадам

қўйди. Натижада минг йиллик азим адабиёт даражасининг навқирон новдаларига янги кўртаклар ниш уриб чиқди: романичилик йўналишига асос солиниши, мазмун ва шакл нуқтаи назаридан тамомила янги ўзбек шеърятининг яратилиши, драматургиянинг бунёд этилиши сўзимиз исботидир. Лекин, минг афсуски, жуда катта жаҳоний умид ва потенциал қувват билан бошланган ана шу хайрли ишлар етмиш йил мобайнида шўро даври мафқураси билан тизгинланиб, муайян қўлқоплар-у русумларга солинди.

Ниҳоят, 1991 йилда юртимиз мустақиллик саодатига мушарраф бўлди: онг ва қалбларимиз ҳукмрон мафқура тўшовларисиз нафас олмаққа тутинди. Ушбу мажмуанинг “Озод Ватан саодати” деб номланиши ҳам бежиз эмас. Истиқлол Ватанимизнинг ҳар бир фарзандига бахтли кунларни ҳаёда этди. Озод Ватани, ўтмиши буюк, бугуни фаровон, келажакки саодатли халқнинг орзу ва мақсадларини, беқийёс имкониятларини дунёга тараннум этишга ҳар бир истеъдод соҳибни ўзини масъул, деб билади.

Тўпламнинг яна бир алоҳида томони — унга ҳам мазмун, ҳам шакл нуқтаи назаридан бир-биридан тамомила фарқланиб туривчи асарлар киритилган. Бири иккинчисидан кескин ажраладиган услубга эга ёзувчиларимизнинг сафи кенгайиб бораётгани кишини қувонтиради.

Дарвоқе, эндиликда уюшма томонидан “Озод Ватан саодати” туркумидаги мажмуалар ҳар беш йилда нашр эттириб борилади ва шу тариқа замонамизнинг бадий солномаси яратилишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиди, деган фикрдаман.

Суюндик МАМИРОВ суҳбатлашди.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари, кичик бизнес субъектлари диққатига!

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: “Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Н.Ҳикмат кўчасида “Бахт уйи” биноси қурилиши”.  
Муддати — 15.12.2014 йил.  
Бошланғич нархи — 2 789 681 515 сўм ҚҚС билан;  
2 324 734 596 сўм ҚҚС сиз.  
Манзил: Фарғона шаҳар Б.Марғинович кўчаси 149, тел.:(373) 244-54-31, 244-55-28 (факс)  
Қурилиш ишлари: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилди.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи

ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб берилдиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридеги манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтинча қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин Фарғона шаҳри, Б.Марғинович кўчаси 149-уй манзилда ўтказилади.



## «TRASTBANK»

TRASTBANK ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни

Хотира ва қадрлар кўни билан қутлайди.

9 Май



Ишон қадр-қиммати сарбаланд юртимизга асло қуз тегмасин. Жаннат макон Ўзбекистимиз янада гуллаб яшайверсин! Бунёдкор халқимиз соғ-омоқ, осмонимиз ҳамаша мусаффо бўлсин!

## ДОНОЛАР

### АДОЛАТ ҲАҚИДА

Шубҳасиз, ҳеч ким ҳуқуқ ва адолат тўғрисидаги тайёр тушунчалар билан тугилмайди, бироқ инсон табиати шундайки, маълум ёшга келганда бу ҳақиқатлар табиий йўсинда шакллана бошлайди.

Ф.Вольтер, француз ёзувчиси Адолатни бўлиш учун кўп нарсани билиш шарт эмас, аммо ўтакетган адолатсиз иш қилиш учун эса қонуларни обдон ўрганиб чиқишга тўғри келади.

Г.Лихтенберг, немис ёзувчиси Адолатсизлик ҳамма вақт ҳам қандайдир фаолият билан боғлиқ бўлавермайди, кўпинча у қайтага фаолиятсизликдан иборат бўлади.

Марк Аврелий, Рим давлат арбоби ва файласуфи

## ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқаноқ РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазор ХУҲАМБЕРАДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошмулат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифининг бажарувчиси: Абдували САЙБАЗАРОВ  
Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, маънавият, халқаро ва шўҳрат билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибхона — 288-46-64 (144).  
Навбатчи муҳаррир — РАҲМАДАЛИЕВ. Навбатчи — Ф.ҲИДИРОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рўқсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

info@adolat.uz / adolat\_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўроғ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилган. Буюртма Г — 500. Авад — 9502. Босишга тошшириш вақти — 22.00. Босишга тошширилади — 22.45.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2071-5217



4772011521004

Баҳоси келтирилган нархда